

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

2
0
2
4

**“YASHIL” IQTISODIYOTGA O‘TISHDA INNOVATSIYALARNI
KENG JORIY QILISH VA BARQAROR IQTISODIYOTNI
INSTITUTSIONAL TARAQQIY ETTIRISH DOLZARBLIGI**

**INSTITUTIONAL DEVELOPMENT OF A SUSTAINABLE
ECONOMY AND WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS
DURING THE TRANSITION TO A GREEN ECONOMY**

**ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ УСТОЙЧИВОЙ
ЭКОНОМИКИ И ШИРОКОЕ ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ ПРИ
ПЕРЕХОДЕ К “ЗЕЛЕННОЙ” ЭКОНОМИКЕ**

Onlayin xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2024-yil 20-may



MAXSUS SON



74-91 xalqaro daraja
ISSN: 2992-8982



Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Bosh muharrir:

Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich

Bosh muharrir o'rinbosari:

Karimov Norboy G'aniyevich

Muharrir:

Qurbonov Sherzod Ismatillayevich

Tahrir hay'ati:

Salimov Oqil Umrzoqovich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Abduraxmanov Kalandar Xodjayevich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Rae Kvon Chung, Janubiy Korea, TDIU faxriy professori, "Nobel" mukofoti laureati
Osman Mesten, Turkiya parlamenti a'zosi, Turkiya – O'zbekiston do'stlik jamiyati rahbari
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri
Buzrukxonov Sarvarxon Munavvarxonovich, i.f.d., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri o'rinbosari
Axmedov Durbek Kudratillayevich, i.f.d., prof., O'zR Oliy Majlisi qonunchilik palatasi deputati
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof., TDIU YoMMIB birinchi prorektori
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof., TDIU Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori
Kalonov Muxiddin Baxritdinovich, i.f.d., prof., "O'IRIAM" ilmiy tadqiqot markazi direktori – prorektor
Yuldashev Mutallib Ibragimovich, i.f.d., TMI professori
Samadov Asqarjon Nishonovich, i.f.n., TDIU professori
Slizovskiy Dimitriy Yegorovich, t.f.d., Rossiya xalqlar do'stligi universiteti professori
Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich, i.f.d., prof., Xalqaro "Nordik" universiteti rektori
Aliyev Bekdavlat Aliyevich, f.f.d., TDIU professori
Axmedov Ikrom Akramovich, i.f.d. TDIU professori
Po'latov Baxtiyor Alimovich, t.f.d., profesor
Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, i.f.d., TDIU professori
Isakov Janabay Yakubbayevich, i.f.d., TDIU professori
Musyeva Shoirazimovna, SamDu IS instituti professori
Axmedov Javohir Jamolovich, i.f.f.d., "El-yurt umidi" jamg'armasi ijrochi direktori o'rinbosari
Toxirov Jaloliddin Ochil o'g'li, t.f.f.d., TAQU katta o'qituvchisi
Xalikov Suyun Ravshanovich, i. f. n., TDAU dotsenti
Kamilova Iroda Xusniddinovna, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Rustamov Ilhomiddin, f.f.n., Farg'ona davlat universiteti dotsenti
Fayziyev Oybek Raximovich, i.f.f.d. (PhD), Alfraganus universiteti dotsenti
Sevil Piriyeva Karaman, PhD, Turkiya Anqara universiteti doktoranti
Mirzaliyev Sanjar Maxamatjon o'g'li, TDIU mustaqil tadqiqotchisi
Utayev Uktam Choriyevich, O'zR Bosh prokuraturasi boshqarma boshlig'i o'rinbosari
Ochilov Farxod, O'zR Bosh prokuraturasi iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti bo'limi boshlig'i
Yaxshiboyeva Laylo Abdisattorovna, TDIU katta o'qituvchisi

Ekspertlar kengashi:

Berkinov Bazarbay, iqtisodiyot fanlari doktori, professor
Hakimov Ziyodulla Ahmadovich, i.f.d, TDIU dotsenti
Tuxtabayev Jamshid Sharafetdinovich, i.f.f.d, TDIU dotsenti
Xamidova Faridaxon Abdulkarim qizi, i.f.d., TMI dotsenti
Babayeva Zuhra Yuldashevna, TDIU mustaqil tadqiqotchisi

Muassis: "Ma'rifat-print-media" MChJ

Hamkorlarimiz: Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O'zR Tabiat resurslari vazirligi, O'zR Bosh prokuraturasi huzuridagi IJQK departamenti.

I shu'ba

IJTIMOIIY-IQTISODIY BARQAROR RIVOJLANISH
MAQSADLARIGA ERISHISH UCHUN “YASHIL” IQTISODIYOTGA
JADAL O‘TISH

Section I

ACCELERATED TRANSITION TO A GREEN ECONOMY TO
ACHIEVE SOCIO-ECONOMIC SUSTAINABLE DEVELOPMENT
GOALS

I секция

УСКОРЕННЫЙ ПЕРЕХОД К “ЗЕЛеноЙ” ЭКОНОМИКЕ ДЛЯ
ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО
УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ





АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ



Исмоилова Феруза Исроиловна

Тошкент молия институти талабаси

Аннотация: Мазкур мақола халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувини режалаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, мақолада аудиторлик текширувини режалаштиришнинг амалдаги меъёрий-услубий муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари илмий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, мақолада мавзуга оид адабиётлар таҳлили, муаллифнинг мавзуга оид амалга оширган таҳлиллари ва унинг натижалари, аудиторлик текширувини режалаштириш муаммолари, аудиторлик текширувини режалаштириш муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан муаллиф тавсиялари умумлаштирилган.

Калит сўзлар: Аудиторлик текширувини режалаштириш, аудиторлик текшируви, аудиторлик умумий режаси, аудиторлик дастури, дастлабки режалаштириш, аудитнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисобот аудити, ички аудит, ташқи аудит, аудит стратегияси, молиявий ҳисобот аудити.

Abstract: This article is devoted to the issues of planning an audit on the basis of international standards, and the actual regulatory and methodological problems of planning an audit and ways to solve them are scientifically based. Also, the article summarizes the analysis of literature on the topic, the author's analysis of the topic and its results, the problems of planning the audit, the problems of planning the audit, and the author's recommendations for their elimination.

Key words: Planning audit, overview audit, public plan audit, program audit, predvaritelnoe planning, international standard audit, financial reporting audit, internal audit, external audit, strategy audit, financial reporting audit.

Аннотация: Данная статья посвящена вопросам планирования аудита на основе международных стандартов, а актуальные нормативно-методические проблемы планирования аудита и пути их решения научно обоснованы. Также в статье обобщен анализ литературы по теме, авторский анализ темы и его результаты, проблемы планирования проверки, проблемы планирования проверки и авторские рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: Планирование аудита, обзор аудита, общий план аудита, программа аудита, предварительное планирование, международные стандарты аудита, аудит финансовой отчетности, внутренний аудит, внешний аудит, стратегия аудита, аудит финансовой отчетности.

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базаси ва ўзига хос миллий аудиторлик хизматлари бозори шакллантирилди, уни ривожлантириш учун таъсирчан иқтисодий омиллар ҳамда солиқ имтиёзлари қўлланилмоқда, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тизими жиддий равишда соддалаштирилди ҳамда эркинлаштирилди. Амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаларига қарамасдан "...аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти..." [1]. Ўтказилаётган ислохотлар натижасида мазкур муаммонинг ечими сифатида "йирик давлат корхоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий қилиш" [2] каби муҳим вазифалар белгилаб қўйилди. Ўз навбатида, юқоридаги вазифалар ижросини таъминлашда аудиторлик текширувини режалаштиришнинг амалий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш, текширувни режалаштиришда илғор хориж тажрибаси ва дастурий воситалардан фойдаланиш, халқаро стандартлар асосида текширувни режалаштириш каби масалалар яхлит тарзда батафсил ўрганилмаганлиги, хусусан, аудиторлик текширувини режалаштиришни такомиллаштиришга оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.



Хорижий мамлакатларда иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида аудиторлик текширувини режалаштиришни халқаро стандартлар асосида ташкил этишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқотлар натижасида АҚШнинг умумқабул қилинган принциплари (GAAP), молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва АХС қоидаларини ўзаро мувофиқлаштиришга эришилиб, аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасининг стандарт шакллари ҳамда аудитни режалаштириш услубияти тавсия этилган. Бироқ, юқоридагиларга қарамасдан ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида текширувларни халқаро меъёрларга мувофиқ режалаштириш масалалари комплекс тарзда ўрганилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аудиторлик текширувини ташкил этишнинг назарий ва услубий асосларини яратиш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича асосан хорижлик ва Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, Америкалик олимлар Э.А.Аренс ва Дж.Лоббеклар эса “аудиторлик текширувини ташкил этиш жараёнини дастлабки режалаштириш, умумий маълумотларни тўплаш, мижознинг ҳуқуқий мажбуриятлари тўғрисида маълумотлар тўплаш, муҳимлик, аудиторлик risks, бизнес risks ва ички хўжалик risksларини баҳолаш, ички хўжалик назорат тизими билан танишиш, аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузиш” [2] каби олтита босқичларда амалга ошириш зарурлигини таъкидлаганлар.

Бу борада республикаимиз иқтисодчи олимларидан Н.С.Санаев томонидан аудиторлик текширувини ташкил этиш жараёни “тахминий режалаштириш, умумий зарур ахборотларни йиғиш, мижознинг юридик мажбуриятлари кўлами ҳақида ахборот йиғиш, мижоздаги ички аудит тизими ва унинг таваккалчилигига баҳо бериш ва мижоз бизнеси ҳамда ички аудит соҳасидаги таваккалчиликни баҳолаш” [3] каби бешта босқичларга ажратган ҳолда, унинг айрим назарий жиҳатларини тадқиқ этган. Яна бир иқтисодчи олим И.Қўзиёвнинг фикрича, “аудитни режалаштириш жараёни 3 босқичли, яъни, кириш, тайёргарлик ва якуний қисмлар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ” [4] деб таъкидлаган.

Россиялик олимлар А.Д.Шеремет ва В.П.Суйцлар томонидан эса аудиторлик дастурини тайёрлашнинг назарий масалалари тадқиқ этилган бўлиб, уларнинг таъкидлашича “аудит дастури аудит умумий режасининг ривожлантирилиши ҳисобланади ва аудит режасини амалга ошириш учун зарур бўладиган аудиторлик муолажаларининг батафсил рўйхатидан иборат” [5].

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида айнан аудиторлик текширувини ташкил этиш услубиятини ўрганишга кенг эътибор қаратилмаганлиги ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитига мувофиқ ўзгариб бориши мазкур соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Таҳлил ва натижалар. Фикримизча, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аудиторлик текширувини ташкил этиш ва ўтказиш босқичида бажариладиган аудиторлик амалларини белгилаш бўйича айрим номувофиқликлар мавжуд бўлиб, уларни аниқлаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Хусусан, аудиторлик текширувини ташкил этиш босқичи 300 сон “Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” номли аудитнинг халқаро стандарти(кейинги ўринларда АХС)га мувофиқ амалга оширилади. Аудиторлик амалиётида ва аудитнинг халқаро стандартларида аудиторлик текширувини ташкил этиш жараёнини “аудитни режалаштириш” жараёни деб номланган.

Аудиторлик текширувини ташкил этиш жараёнида аудиторлик ташкилоти томонидан қўлланиладиган меъёрлар аудиторлик стандартлари асосида амалга оширилиши мажбурий этиб белгиланган бўлсада, бироқ, амалиётда аудиторлик ташкилотлари томонидан амалдаги стандартлар талаблари ёки унда белгиланган тартиб-қоидаларга текширувлар жараёнида тўлиқ амал қилинмаяпти ёки ҳар бир текширувнинг умумий режаси ҳамда иш дастури турлича ёндашувлар асосида тайёрланиб келинмоқда.

Бизнингча, аудиторлик текширувини ташкил этиш жараёнини самарали ташкил этишда қуйидаги 1-жадвалдаги меъёрий ва услубий муаммоларни бартараф этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

1-жадвал: Аудиторлик текширувини режалаштириш муаммолари¹

№	МУАММОНИНГ МАЗМУНИ
1	Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрийҳужжатлар ва илмий тадқиқотларда аудитни режалаштириш ва унинг босқичлари мазмуни, аҳамияти ва режалаштиришга қўйилган талаблар мазмунининг етарлича очиб берилмаганлиги
2	Аудиторлик текширувини режалаштиришда аудиторлик ташкилотлари томонидан 300-сон “Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” номли АХС ва 3-сон “Аудитни режалаштириш” номли АФМС талабларига риоя этилмаётганлиги ёки режалаштириш жараёнининг сифати етарлича назорат қилинмаётганлиги
3	Аудиторлик текширувини дастлабки режалаштириш босқичида бажариладиган вазифалар мазмуни ва уларни амалга ошириш тартибини амалдаги аудиторлик стандартларида аниқ ва батафсил баён этилмаганлиги

1 Муаллиф томонидан тайёрланган.



4	Аудиторлик стандартлари ва илмий тадқиқот ишларида келтирилган аудиторлик текширувининг умумий режаси ва дастури намунавий шаклининг амалиётда қўллаш имконининг мавжуд эмаслиги
5	Амалдаги 300-сон “Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” номли АХСда режалаштириш жараёнида тузиладиган ҳужжатлар намунавий шаклининг умуман келтирилмаганлиги ва аудиторларни АХС талаблари мазмунидан хабардорлик даражасининг пастлиги
6	Аудиторлик текширувини режалаштириш жараёнини танқидий таҳлил этган ҳолда, амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва аудиторлик стандартларини етарлича замонавий талабларга мувофиқлаштирилмаётганлиги ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар талаблари даражасида соҳага оид илмий тадқиқотлар олиб борилмаётганлиги

Изланишлар натижасида 300-сон АХС талабларини мазмун ва шакл жиҳатдан таҳлил қилганимизда, унда аудиторлик текширувини ташкил этиш босқичлари мазмуни, аҳамияти ва унга қўйилган талабларнинг назарий-амалий жиҳатлари аниқ очиб берилмаганлиги, аудиторлик текширувини ташкил этиш босқичларининг ўзаро фарқли хусусиятлари очиб берилмаганлиги ва ўқув адабиётларида тавсия этилган режа ҳамда дастурнинг намунавий шаклидан амалиётда бевосита фойдаланиш имконининг мавжуд эмаслиги аниқланди.

Маълумки, “Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” номли 300-сон АХСда аудиторлик текширувини режалаштириш жараёнининг белгиланган босқичлари умумий ва назарий жиҳатдан ёритилганлиги боис, амалиётда мазкур норматив ҳужжатдан фойдаланиш текширувни мукамал режалаштириш имконини бермайди. Бизнингча, аудиторлик текширувини ташкил этиш ёки режалаштириш жараёнини қуйидаги уч номдаги босқичларга ажратган ҳолда амалга оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- дастлабки режалаштириш;
- умумий режани тайёрлаш;
- аудиторлик дастурини тайёрлаш.

Изланишлар натижасида, 300-сон АХСда дастлабки режалаштириш босқичида бажариладиган вазифалар ва қўйилган талаблар умуман баён этилмаганлиги, стандартларда дастлабки режалаштириш амаллари жуда қисқа ва мавҳум мазмунда баён этилганлиги ва бу эса амалиётда дастлабки режалаштириш жараёни юзаки ёки амалдаги стандартлар талаблари даражасида амалга оширилмаслигига олиб келмоқда.

Фикримизча, 300-сон АХСда дастлабки режалаштиришнинг аҳамияти ва мазмунини очиб бериш, аудиторнинг дастлабки режалаштириш жараёнидаги вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда юқоридаги муаммоли жиҳатларга аниқлик киритиш мақсадида мазкур АХСга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик ташкилоти томонидан текширув буюртмачисини текширувдан ўтказиш салоҳияти баҳоланади ва аудиторлик шартномаси шартлари хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан келишиб олинади. Агар аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувини ўтказишни мумкин, деб қарор қабул қилса у аудиторлик гуруҳини шакллантиришга ўтади ҳамда мижоз билан аудиторлик шартномасини расмийлаштиради”.

Бизнингча, стандартга аудитни режалаштиришнинг иккинчи босқичи - умумий режалаштириш жараёни мазмунини ифодаловчи қўшимча банд киритиш орқали бу босқичнинг моҳиятини очиб бериш ва бу босқичнинг бошқа режалаштириш босқичларидан фарқли жиҳатлари ҳақида маълумот бериш имконияти яратилади, деб ўйлаймиз. Шу мақсадда, 300-сон АХСга аудитнинг умумий режаси тушунчасини қуйидаги мазмунда таърифлашни тавсия этамиз: “Аудиторлик текширувининг умумий режаси – аудиторлик текшируви жараёнида бажариладиган умумий вазифалар, уларни амалга ошириш муддатлари, вазифаларни бажарувчилар рўйхати ва текширувда қўлланиладиган аудиторлик усуллари рўйхати акс эттирилган аудиторлик иш ҳужжати”.

Бизнингча, умумий режада ҳар бир аудиторлик текшируви объекти учун алоҳида бўлим очилиб, умумий режанинг қолган устунларининг номлари тавсия этилган шаклдаги мазмунда тайёрланса, аудиторларнинг мижоз фаолиятини текшириш учун жисмоний меҳнат сарфи, вақт ҳамда қоғоз харажатларини тежалишига эришилади.

Фикримизча, энг аввало, 300-сон АХСга аудиторлик дастури мазмунини ифодаловчи қўшимча банд киритиш лозим. Биз мазкур таклиф этилаётган бандда аудиторлик дастурини қуйидаги мазмунда таърифлашни тавсия этамиз:

“Аудиторлик дастури - бу аудиторлик умумий режасида белгиланган вазифаларни бажариш босқичлари, бажарувчиларнинг тўлиқ таркиби ва вазифалар тақсимоли, вазифаларни бажаришнинг аниқ



вакти ва муддатлари, текширувда бажариладиган тахлилий амаллар ҳамда текшириладиган ва тузиладиган аудиторлик иш ҳужжатлари рўйхати акс эттирилган аудиторлик иш ҳужжатиدير”.

Дастур умумий режадан фарқли ўлароқ, ҳўжалик юритувчи субъект ҳар бир бухгалтерия ҳисоби объектлари (пул маблаглари, ТМЗ, молиявий қўйилмалар, асосий воситалар ва номоддий активлар кабилар)нинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида мазмунда тайёрланиб, у аудиторлик текшируви умумий режасининг матиқий ҳамда ривожлантирилган давоми ҳисобланади.

ХУЛОСА

Аудиторлик текширувини режалаштиришга доир юқорида таъкидланган фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

Амалдаги аудиторлик стандартлари ва мавжуд тадқиқотларда келтирилган режа ва дастурнинг намунавий шакли умумий ва мавҳум мазмунда баён этилганлиги сабабли текширув жараёнида ундан фойдаланиш даражасининг қониқарсизлиги ҳамда стандарт талабларининг содда ва аниқ мазмунда баён қилинмаган. Натижада бундай ҳолатлар текширувни ўтказаетган аудитор ва унинг ёрдамчиларидан ўзларининг билим, малака ва кўникмаларига таянган ҳолда текширишни ва айрим ҳолларда уларнинг бу соҳада малакасизлиги боис текширувларни сифатсиз ўтказилишига сабаб бўлмоқда.

Фикримизча, бугунги кунда аудиторлик текширувини ташкил этишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг аудиторлик амалиётида талаб даражасида қўлланилмаётганлиги, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Республикамиз ҳамда хориж олимлари илмий тадқиқотларида текширувни ташкил этиш босқичларининг услубий жиҳатлари тўлиқ ва аниқ баён этилмаганлиги, текширувни режалаштириш жараёнининг аудиторлик иш ҳужжатларида талаб даражасида акс эттирилмаслиги, режалаштириш жараёни самарадорлигини баҳолаш услубиятини халқаро стандартлар талаблари даражасида ишлаб чиқилмаганлиги, режалаштириш жараёни аудитга оид меъёрий ҳужжатлар ва халқаро стандартлар ёки илғор хориж тажрибаси талабларига мос келмаслиги, аудиторлик ташкилотларида халқаро стандартлар асосида текширувни режалаштиришнинг талаб даражасида эмаслиги каби масалаларни киритиш мумкин.

Бизнингча, аудиторлик текширувининг умумий режаси ва дастури тузилганидан сўнг аудиторлик ташкилотининг раҳбари ёки аудиторлик гуруҳи раҳбари ўтказиладиган текширувида қатнашувчи аудитор ва экспертлар иштирокида текширувни бошлашдан аввал кичик йиғилиш ташкил этиши ҳамда унда тузилган умумий режа ва дастурни муҳокамадан ўтказиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилганда, аудиторлик текширувини ташкил этиш жараёнини юқорида тавсия этилган тартиб-қоидалар асосида амалга оширилиши аудиторлик ташкилотлари томонидан текширувларни олдиндан пухта ва аниқ белгиланган кетма-кетлик асосида ўз муддатида ҳамда сифатли ўтказиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони.<https://nrm.uz> интернет сайти
2. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. -М.: Финансы и статистика, 2001, 300стр.
3. Санаев Н. Нарзиев Р. Аудит. Т: “Шарқ”, 2002 йил, 64-бет.
4. И.Қўзиев. Тижорат банкларида аудиторлик фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш. “Бизнес-эксперт” журнали 2019 йил 3-сон 135-бет.
5. Суйц В.П., Шеремет А.Д. Аудит. Учебник. -М.: ИНФРА-М, 2005. 129 стр.